



## O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 25 yil « 27 » avgust

№ 541

Toshkent sh.

### **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясининг магистратурасига қабул қилиш тартибини белгилаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истиқболли кадрларни мақсадли тайёрлаш ҳамда уларни давлат бошқаруви ва хизматига самарали жалб этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 5 майдаги ПФ–78-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясининг магистратурасига қабул қилиш ва ўқитиш тартибини белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 5 майдаги ПФ–78-сон Фармонига мувофиқ ҳар томонлама, очиқ ва холис танловнинг мезон ва механизмларини қамраб олган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси (кейинги ўринларда – Академия)нинг магистратурасига қабул қилиш ва ўқитишнинг алоҳида тартибини белгилаш назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

#### **2. Қуйидагилар:**

номзодларни тавсия этиш, уларни тест синовлари ва суҳбатдан ўтказиш, номзодларни Академия магистратураси тингловчилари сафига қабул қилиш тартибини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясининг магистратурасига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ;

хорижий давлатлар фуқароларини магистратура ва қайта тайёрлаш курсларига қабул қилиш тартиби, Академияда таълим олаётган хорижий фуқароларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси магистратура ва қайта тайёрлаш курсларига хорижий давлатлар фуқароларини қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил “27” августдаги 541-сон қарорига  
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясининг магистратурасига  
қабул қилиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси (кейинги ўринларда – Академия) магистратурасига қабул қилиш тартибини белгилайди.

Академия магистратурасига қабул қонунийлик, холислик, шаффофлик, коллегиялик ва тенг ҳуқуқлилик тамойиллари асосида ташкил этилади.

2. Академия магистратурасида юқори малакали бошқарув кадрлари ва мутахассисларни тайёрлаш олий таълимнинг давлат таълим стандартларига мувофиқ, давлат буюртмаси ва тўлов-контракт асосида, магистр даражаси берилган ва белгиланган давлат намунасидаги диплом топширилган ҳолда амалга оширилади.

3. Академияда:

“Худудларни комплекс ривожлантириш” (Regional Development);

“Давлат бошқаруви” (Public Administration);

“Инсон ресурсларини ривожлантириш” (Human Resource Development);

“Давлат сиёсати” (Public Policy);

“Давлат молиясини бошқариш” (Public Finance Management) магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрланади.

Юқори малакали ва замонавий билимларга эга бошқарув кадрлари захирасини шакллантириб бориш мақсадида амалиётчи бошқарувчилар учун махсус дастурлар (Executive MPA ва Executive MBA) жорий этилади.

Мамлакатни стратегик ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, яъни давлат бошқаруви ҳамда энергетика, транспорт логистикаси, инфратузилма, таълим, соғлиқни сақлаш, ичимлик суви таъминоти ва бошқа соҳаларни қамраб олувчи фанлараро магистрлик дастурлари жорий этилади.

4. Академия магистратура мутахассисликларига қабул:

давлат буюртмаси бўйича давлат гранти ва тўлов-контракт асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Бошқарув самарадорлиги агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) томонидан тақдим этилган номзодлар ўртасида танлов ўтказиш орқали тест синовлари ва суҳбат натижаларига мувофиқ амалга оширилади;

очиқ танлов асосида Академиянинг илмий-педагогик ва моддий-техник имкониятларидан келиб чиқиб, тест синовлари ва суҳбат натижаларига кўра фақат тўлов-контракт асосида ташкил этилади.

5. Академия магистратурасига давлат буюртмаси бўйича давлат гранти ва тўлов-контракт асосида ушбу Низомга 1-иловадаги схемага мувофиқ қабул қилинади.

6. Академияда давлат буюртмасига асосан магистратура мутахассисликларига қабул давлат органлари ва ташкилотлари, хўжалик бирлашмаларининг биринчи раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ушбу Низом талабларига мувофиқ тавсиясига асосан олий маълумотли ва 2 йил бошқарув лавозимларида иш тажрибасига эга бўлган, қоида тарихида, Миллий кадрлар захирасига киритилган давлат хизматчилари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ва тадбиркорлик субъектлари ходимлари орасидан тест ва суҳбат натижаларига кўра энг юқори балл олган номзодлар давлат гранти ҳамда Академия Васийлик кенгаши томонидан белгиланадиган квота доирасида тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинади.

7. Академияда давлат буюртмасига асосан магистратура мутахассисликларига қабул қилиш учун номзод сифатида:

“Давлат бошқаруви” мутахассислиги бўйича 45 ёшдан ошмаган (46 ёшга тўлмаган), таянч олий маълумотга, камида республика даражасида бўлим бошлиғи ўринбосари, ҳудудий даражада – бошқармада бўлим бошлиғи, туман (шаҳар) даражасида – туман (шаҳар) бўлими бошлиғи лавозимида меҳнат қилаётган ҳамда 2 йилдан кам бўлмаган бошқарув иш стажига эга бўлган шахслар;

бошқа барча мутахассисликлар бўйича 45 ёшдан ошмаган (46 ёшга тўлмаган), таянч олий маълумотга ва камида 2 йил бошқарув лавозимларида иш тажрибасига эга бўлган шахслар кўрсатилиши мумкин.

Очиқ танлов асосида Академиянинг магистратура мутахассисликларига олий маълумотли, 2 йиллик меҳнат стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳар йили 1 майдан 1 июнга қадар Академиянинг расмий веб-сайти орқали ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклдаги электрон сўровномани тўлдириш орқали ҳужжат топширади.

8. Магистратурада бошқарув кадрлари ва мутахассисларни тайёрлаш етакчи хорижий таълим ва илмий муассасалар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ўқув режалари ҳамда қўшма таълим дастурлари асосида амалга оширилади.

Магистратурага қўшма таълим дастурлари бўйича номзодларни қабул қилиш хорижий ҳамкорлар билан келишувга мувофиқ амалга оширилади.

Қўшма таълим дастурлари бўйича магистратура битирувчиларига ўзаро келишувларга мувофиқ белгиланган намунадаги магистр даражаси ва дипломи берилади.

9. Магистратурада давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш даврида тингловчиларнинг эгаллаб турган иш ўринлари (лавозимлари) ва ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади.

Бунда иш берувчи тасдиқланган иш ҳақи фонди доирасида магистратурада таълим олаётган тингловчининг ўқишни тамомлаш даври якунига қадар муддатга тузилган шартнома асосида бошқа ходимларни тегишли иш жойига қабул қилиши мумкин.

10. Академия магистратура мутахассисликларига белгиланган давлат буюртмасидан ташқари тўлов-контракт асосида хорижий давлатлар фуқаролари қабул қилиниши мумкин.

Академия магистратурасига хорижий давлатлар фуқароларини қабул қилиш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

11. Академияга кириш синовлари давлат тилида ўтказилади.

## **2-боб. Номзодларни бирламчи саралаб олиш тартиби**

12. Академияга давлат буюртмаси бўйича қабулни ташкил этиш ва ўтказиш учун давлат органлари ва ташкилотлари, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида номзодларни бирламчи саралаб олиш бўйича идоровий комиссия (кейинги ўринларда – Идоровий комиссия) тузилади.

Идоровий комиссия ҳудудларнинг, иқтисодиёт тармоқлари ва ташкилотларнинг бошқарув кадрларига бўлган жорий ва истиқболдаги талаб ва эҳтиёжларни ўрганиб чиқади ҳамда шу асосда Академияда давлат буюртмасига асосан магистратура мутахассисликларига қабул қилиш учун номзодлар рўйхатини шакллантиради.

Тизимли ва стратегик фикрлаш кўникмаларига эга, билимли, шижоатли, ташаббускор Миллий кадрлар захирасига киритилмаган давлат хизматчилари ҳам Академияда давлат буюртмасига асосан магистратура мутахассисликларига қабул қилиш учун номзод сифатида кўрсатилиши мумкин.

13. Академияда давлат буюртмасига асосан магистратура мутахассисликларига қабул қилиш учун номзод сифатида қуйидагилар кўрсатилиши мумкин эмас:

суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар;

суднинг қарори билан муайян муддатга давлат фуқаролик хизмати лавозимларини эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахслар;

коррупцияга оид жиноятларни содир этишда суд томонидан айбдор деб топилган шахслар;

оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки олиб ташланмаган шахслар;

тиббий хулосага асосан соғлиғининг ҳолати давлат фуқаролик хизмати лавозимини эгаллаш имконини бермайдиган шахслар.

Номзодларни танлашда қуйидагиларга эътибор қаратилади:

номзоднинг маълумоти бўйича мутахассислиги ҳудудларнинг, иқтисодий тармоқлари ва ташкилотларнинг бошқарув кадрларига бўлган жорий ва истиқболдаги талаб-эҳтиёжларига мос бўлиши;

республикада амалга оширилаётган ислохотларни тўғри тушуниши ва қўллаб-қувватлаши, муомала маданияти ва аҳоли билан мулоқот қила олиш кўникмаси шакланганлиги, ислохотларни фуқароларга етказа олиши;

топширилган ишга масъулият билан ёндашиши, ташаббускорлиги, изланувчанлиги, ватанпарварлиги, маданий-маърифий ва маънавий савияси даражасини ошириб бориши;

кенг умумқасбий билим ва дунёқарашга, ўзининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий билимларига эга бўлиши, ахборот-коммуникация технологияларидан эркин фойдалана олиши, хорижий тиллардан бирини ўзлаштирган бўлиши.

Мазкур бандда назарда тутилган мезонларни аниқлаш учун Идоравий комиссия томонидан соҳа бўйича мутахассислар, мустақил экспертлар жалб қилиниши ҳамда суҳбат, тест ва бошқа турдаги баҳолаш усуллари қўлланилиши мумкин. Бунда ҳар бир қўлланиладиган усул ва натижалар Идоравий комиссиянинг қарори билан қабул қилинади.

14. Магистратурада ўқишга тавсия этилган номзодлар умумий сонининг, қоида тариқасида, камида 30 фоизини хотин-қизлар ташкил этади.

15. Академияда давлат буюртмасига асосан магистратура мутахассисликларида ўқиш истагини билдирган ва белгиланган талабларга мос келадиган фуқаролик жамияти институтлари ва тадбиркорлик субъектлари ходимлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Идоравий комиссияларига ҳужжатларини топширади.

16. Академия магистратурасига танловда иштирок этиш истагини билдирган номзод Идоравий комиссияга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

номзоднинг охириги 2 йил мобайнидаги фаолияти давомида амалга оширган ижобий ишлари ҳақидаги маълумот (1-2 варақда, тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилиб);

маълумотнома-объективка (маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда);

номзоднинг қўшимча эришган ютуқлари: илмий даражаси, илмий унвони, хорижий тилларни билиш сертификати кабилар (агар мавжуд бўлса).

17. Идоравий комиссия номзодларнинг ҳужжатларини белгиланган талабларга мувофиқлигини ўрганиб чиқади ва номзодларни бирламчи саралаб олиш якуни бўйича қарор қабул қилади.

Давлат буюртмаси бўйича тавсия этилган номзодлар ҳақидаги маълумотларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш Идоравий комиссия зиммасига юклатилади.

### **3-боб. Академия магистратурасига қабул қилиш учун номзодларни тавсия этиш**

18. Давлат органлари ва ташкилотлари, хўжалик бирлашмаларининг биринчи раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳар йили 1 майга қадар Академияда давлат буюртмасига асосан магистратура мутахассисликларига қабул қилиш учун номзодларнинг рўйхати, уларнинг ҳар бирига алоҳида тавсиянома ҳамда ҳужжатлари тўпламини электрон шаклда Агентликка тақдим этади.

19. Давлат буюртмаси бўйича тавсия этилган номзодлар Агентлик томонидан дастлабки сараланади.

Саралашда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилади:

номзоднинг мазкур Низомда белгиланган талабларга мослиги;

тавсия этилган номзодлар умумий сонидан хотин-қизларнинг улуши камида 30 фоиз бўлиши;

номзоднинг давлат фуқаролик хизмати лавозимини эгаллаш имконини бермайдиган ҳолатларнинг мавжуд эмаслиги.

Номзоднинг бошқарув (раҳбар, раҳбар ўринбосари, бош муҳандис, бошқарма, бўлим, тузилма бошлиғи ва ўринбосари) лавозимларидаги иш тажрибасига қўшимча устуворлик берилади.

20. Давлат буюртмаси бўйича номзодларни дастлабки тарзда саралаб олишни ташкил этиш ва ўтказиш Агентлик томонидан тасдиқланадиган махсус комиссия томонидан амалга оширилади.

Агентлик ҳар йили 1 июнга қадар дастлабки саралаш натижалари асосида квота бўйича ҳар бир ўринга камида беш нафардан номзодлар рўйхати ҳамда уларнинг ҳужжатларини Академияга юборади.

### **4-боб. Академия магистратурасига қабул қилиш тартиби**

21. Магистратурага қабулни ташкил этиш, тест синовлари ва суҳбат ўтказиш учун Академия ректорининг буйруғи билан тегишли ўқув йили учун қабул комиссияси (кейинги ўринларда – қабул комиссияси) тузилади.

Қабул комиссияси фаолиятининг тартиби Академия кенгаши томонидан белгиланади.

Қабул комиссияси Академия магистратурасига қабул бошланганлиги тўғрисида Академиянинг, расмий веб-сайти, шунингдек электрон платформалардаги расмий каналларига эълон беради.

22. Академияда магистратура мутахассисликларига давлат буюртмаси бўйича танлов икки босқичда ўтказилади:

а) **биринчи босқич** – номзодларни сиёсий-ҳуқуқий (25 балл), ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги билимлари (25 балл), интеллектуал қобилияти, таҳлилий ва мантиқий фикрлаши (25 балл) ҳамда хорижий тилларни билиш (25 балл) (кейинги ўринларда – фанлар) даражасини аниқлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги (кейинги ўринларда – Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги) томонидан тест синовларидан ўтказиш.

Бунда Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги томонидан:

сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар бўйича тест саволлари Академия кенгаши томонидан тасдиқланган фанларнинг ўқув дастурлари асосида;

интеллектуал қобилияти, таҳлилий ва мантиқий фикрлаши бўйича тест саволлари хорижий тажриба асосида;

хорижий тиллар (инглиз, немис, француз) бўйича тест саволлари B2 ва ундан юқори даражадаги CEFR (Common European Framework of Reference) стандарти асосида иккита кўникма (ўқиб тушуниш ва лексика-грамматика) бўйича тузилади.

CEFR стандарти бўйича B2 ва ундан юқори даражадаги хорижий тилни билиш даражасини тасдиқловчи миллий ёки халқаро сертификатларга эга бўлган номзодлар хорижий тил бўйича тест синовларидан озод этилади ва уларга мазкур фандан максимал балл берилади;

б) **иккинчи босқич** – номзодларнинг иқтисодий билимлари ва ҳуқуқий саводхонлиги, шунингдек, бошқарув ва лидерлик хусусиятлари, жамоа билан ишлаш, стратегик ва таҳлилий фикрлаш қобилиятлари, мослашувчанлиги, ташаббускорлиги ва инновацион ёндашуви, лойиҳавий бошқарув ва нотиклик маҳорати бўйича кўникмаларини баҳолаш бўйича суҳбатлар ўтказиш. Суҳбат саволлари Академия кенгаши томонидан тасдиқланади.

23. Тест синовлари ўтказиладиган фанларнинг ўқув дастурлари ва суҳбат саволлари намуналари тест синовлари ва суҳбатлар бошланишидан камида бир ой олдин Академиянинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

24. Тест синовлари ва суҳбатлар ўтказиш санаси тўғрисидаги хабар уларнинг бошланишидан камида етти кун олдин Академиянинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

25. Давлат органлари ва ташкилотлари, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан давлат буюртмасига асосан магистратура мутахассисликларига тавсия қилинган номзодларнинг тест ва суҳбатларда иштирок этиши даврида ойлик иш ҳақи тўлиқ сақланади.

### **5-боб. Номзодларни тест синовларидан ўтказиш тартиби**

26. Тест синовлари мазкур Низомнинг 29-30-бандларида белгиланган талабларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг 2018 йил 3 апрелдаги 261-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриятига ўқишга қабул қилиш учун кириш тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом асосида ўтказилади.

27. Тест синовлари Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги томонидан Академия ҳудудида ўтказилади.

28. Тест синовлари ҳар йили июль-август ойларида, қоида тариқасида, кунига икки сменада ўтказилади. Тест синовларини ўтказишнинг аниқ санаси ва жойи Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги томонидан Академия билан келишилган ҳолда белгиланади.

Бунда тест синовлари шартнома асосида (тест синовида иштирок этиши белгиланган ҳар бир талабгор учун базавий ҳисоблаш миқдорининг ярим баравари миқдорида) номзодлар тўғрисидаги маълумотлар Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигига тақдим этилгандан сўнг 20 иш куни ичида ўтказилади.

Тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Академиянинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланади.

29. Тест синовлари натижалари 100 баллик баҳолаш тизими бўйича амалга оширилади. Тест синовларининг натижалари Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги директори томонидан имзоланиб, белгиланган шаклда Академияга тақдим этилади.

Тест синовлари натижаларига кўра 56 баллдан кам балл тўплаган номзодлар кейинги босқичга ўтказилмайди.

30. Номзодларнинг тест синовлари натижалари бўйича шикоятлари натижалар эълон қилинган санадан бошлаб уч иш куни ичида Академия томонидан қабул қилинади ҳамда Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигига тақдим этилади.

Шикоятни кўриб чиқиш муддати Академия томонидан шикоятлар Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигига тақдим этилган санадан бошлаб уч иш кунидан ошмаслиги лозим.

### **6-боб. Номзодларни суҳбатдан ўтказиш тартиби**

31. Номзодлар билан суҳбат Академия ректорининг буйруғига асосан вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, етакчи профессор-ўқитувчилар ва мустақил экспертлардан (камида 7 кишидан) иборат таркибда тузиладиган танлов комиссияси томонидан ўтказилади.

32. Суҳбат давомида номзодларнинг иқтисодий билимлари ва ҳуқуқий саводхонлиги, шунингдек, бошқарув ва лидерлик хусусиятлари, жамоа билан ишлаш, стратегик ва таҳлилий фикрлаш қобилиятлари, мослашувчанлиги, ташаббускорлиги ва инновацион ёндашуви, лойиҳавий бошқарув ва нотифик маҳорати бўйича кўникмалари баҳоланади.

33. Сухбат жараёни шаффоф ва адолатли ўтказилади. Сухбат жараёнлари видеотасвирга ёзиб олинади.

Сухбат натижалари 100 баллик тизимда баҳоланади. Сухбат танлов комиссияси томонидан якка тартибда, ҳар бир номзод билан алоҳида ўтказилади. Номзоднинг билим ва компетенциялари қуйидаги мезонлар асосида баҳоланади:

иқтисодий билимлари ва ҳуқуқий саводхонлиги (20 балл);

бошқарув (шу жумладан, лойиҳавий бошқарув) ва лидерлик хусусиятлари, жамоа билан ишлаш кўникмалари (20 балл);

стратегик ва таҳлилий фикрлаш қобилиятлари (20 балл);

мослашувчанлиги, ташаббускорлиги ва инновацион ёндашуви (20 балл);

нотиқлик маҳорати (20 балл).

34. Сухбат бўйича номзодларнинг якуний натижалари танлов комиссиясининг ҳар бир аъзоси томонидан қўйилган балларни қўшган ҳолдаги ўртачасидан келиб чиқиб аниқланади.

Сухбат якунига кўра танлов комиссияси томонидан номзодларнинг балларини кўрсатган ҳолда тегишли баённома тузади ва белгиланган тартибда қабул комиссиясига тақдим этади.

Сухбат натижалари ҳақидаги маълумотлар Академиянинг расмий веб-сайти, шунингдек электрон платформалардаги расмий каналларига жойлаштирилади.

35. Академия магистратура мутахассисликларига қабул қилишнинг якуний натижалари қабул комиссияси томонидан номзоднинг тест синови ҳамда сухбат натижасида олган балларнинг қўшган ҳолдаги умумий баллдан келиб чиқиб, энг юқори балл тўплаган номзодларнинг давлат гранти бўйича биринчи навбатда қабул қилиниш ҳуқуқи таъминланади. Қолган номзодлар баллар рейтинги асосида Академиянинг қабул параметрларида белгиланган тўлов-контракт квоталари доирасида қабул қилиниш ҳуқуқига эгадирлар.

36. Номзодларнинг тест синовлари ва сухбатдан такроран ўтишига йўл қўйилмайди.

### **7-боб. Номзодларнинг шикоятларини кўриб чиқиш тартиби**

37. Сухбат натижалари бўйича номзодларнинг шикоятлари, улар эълон қилинган санадан бошлаб икки иш куни ичида Академияга ёзма шаклда тақдим этилади.

38. Академияда ректорнинг буйруғи билан апелляция комиссияси тузилади.

Апелляция комиссиясининг таркиби танлов комиссияси ишида иштирок этмаган шахслардан тузилади.

39. Апелляция комиссияси шикоятни шикоят берилган кундан бошлаб уч иш куни ичида кўриб чиқади ва қарор қабул қилинган куни номзодни

шикоят қаноатлантирилган ёки рад этилганлигини кўрсатган ҳолда, ёзма равишда хабардор қилади.

Бунда Апелляция комиссияси шикоятни кўриб чиқиш натижаларига кўра қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

шикоятни асосланган деб ҳисоблаш ҳамда уни қаноатлантириш;

шикоятни асоссиз деб ҳисоблаш ҳамда уни қаноатлантиришни рад этиш.

40. Номзод мурожаатни кўриб чиқишда шахсан иштирок этиш ҳуқуқига эга.

### **8-боб. Номзодларни Академия тингловчилари сафига қабул қилиш тартиби**

41. Қабул комиссияси қарори билан давлат буюртмаси бўйича давлат гранти асосида ўқишга тавсия этилган номзодларни Академия тингловчилигига қабул қилиш ректорнинг буйруғи билан амалга оширилади.

42. Тўлов-контракт асосида магистратура мутахассислиги тингловчилигига қабул қилиш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Академия, тингловчи ва буюртмачи ташкилот ўртасидаги шартнома тузилгандан сўнг ректор буйруғи билан расмийлаштирилади.

43. Тўлов-контракт асосида Академия тингловчилигига қабул қилиш учун тавсия этилган номзодлар шартномада белгиланган муддатларда тўловни амалга ошириши лозим.

### **9-боб. Яқунловчи қоида**

44. Мазкур Низомнинг талабларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясининг  
магистратурасига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати  
ва бошқаруви академияси магистратурасига давлат буюртмаси бўйича  
давлат гранти ва тўлов-контракт асосида қабул қилиш  
СХЕМАСИ**

| Босқичлар | Субъектлар   | Тадбирлар  | Бажариш муддати                 |
|-----------|--|--|---------------------------------|
| 1-босқич  | Давлат органлари ва ташкилотлари, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Бошқарув самарадорлиги агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик)нинг хатига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси (кейинги ўринларда – Академия)га давлат буюртмаси бўйича қабулни ташкил этиш ва ўтказиш учун номзодларни бирламчи саралаб олиш бўйича идоравий комиссия (кейинги ўринларда – Идоравий комиссия) тузади.  | Ҳар йили 1 февралга қадар       |
| 2-босқич  | Идоравий комиссия  | 1. Академияда давлат буюртмасига асосан магистратура мутахассисликларига қабул қилиш учун ҳудудларнинг, иқтисодиёт тармоқлари ва ташкилотларнинг бошқарув кадрларига бўлган жорий ва истиқболдаги талаб ва эҳтиёжларни ўрганиб чиқади ва номзодлар рўйхатини шакллантиради.<br>2. Академияда давлат буюртмасига асосан магистратура мутахассисликларига қабул қилиш учун номзодларнинг рўйхати, уларнинг ҳар бирига алоҳида тавсиянома ҳамда ҳужжатлари тўпламини электрон шаклда Агентликка тақдим этади. | Ҳар йили 1 майга қадар          |
|           | Номзод   | Очиқ танлов асосида Академиянинг магистратура мутахассисликларига кирмоқчи бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Академиянинг расмий веб-сайти орқали ҳужжат топширади.   | Ҳар йили 1 майдан 1 июнга қадар |
| 3-босқич  | Агентлик   | 1. Давлат буюртмаси бўйича номзодларни дастлабки тарзда саралаб олишни ташкил этиш ва ўтказиш учун махсус комиссия тузади.<br>2. Дастлабки саралаш натижалари асосида квота бўйича ҳар бир ўринга камида беш нафардан номзодлар рўйхати ҳамда уларнинг ҳужжатларини Академияга юборади.  | Ҳар йили 1 июнга қадар          |

|                 |  |   |   |
|-----------------|--|---|---|
| <b>4-босқич</b> | Академия   | <p>1. Магистратурага қабулни ташкил этиш, тест синовлари ва суҳбат ўтказиш учун тегишли ўқув йили учун қабул комиссиясини тузади.</p> <p>2. Тест синовлари ва суҳбатлар ўтказиш санаси тўғрисида Академиянинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.</p>  | Тест синовлари ва суҳбатлар ўтказиладиган санадан камида етти кун олдин |
| <b>5-босқич</b> | Академия, Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги | <p>Академияда магистратура мутахассисликларига давлат буюртмаси бўйича танлов икки босқичда:</p> <p>биринчи босқич – номзодларни фанларни билиш даражасини аниқлаш бўйича тест синовлари;</p> <p>иккинчи босқич – номзодларнинг кўникмаларини баҳолаш бўйича суҳбат шаклида ўтказилади.</p>           | Ҳар йили июль-август ойларида   |
| <b>6-босқич</b> | Академиянинг Қабул комиссияси                    | <p>Номзоднинг тест синови ҳамда суҳбат натижасида олган балларнинг қўшган ҳолдаги умумий баллдан келиб чиқиб, энг юқори балл тўплаган номзодларнинг кетма-кетлигига асосан қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилади ва ўқишга тавсия этилган номзодлар рўйхатини Академия ректорига тақдим этади.</p> | Беш иш куни ичида   |
| <b>7-босқич</b> | Академия   | <p>Давлат буюртмаси бўйича давлат гранти асосида ўқишга тавсия этилган номзодларни Академия тингловчилигига қабул қилиш тўғрисида ректорнинг буйруғи расмийлаштирилади.</p>   | Ҳар йили 15 сентябрга қадар   |
|                 |  | <p>Тўлов-контракт асосида магистратура мутахассислиги тингловчилигига қабул қилиш тўғрисида ректор буйруғи чиқарилади.</p>  | Ҳар йили 1 октябрга қадар, шартнома тузилгандан сўнг                    |

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясининг  
магистратурасига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси магистратурасига  
очиқ танлов асосида ўқишга кириш учун  
СЎРОВНОМА

| <b>I. Ариза берувчи ҳақидаги маълумотлар</b>  |  |
|---|--|
| 1. Ф.И.О.   |  |
| 2. Биометрик паспорти (идентификацияловчи ID-картаси) серияси ва рақами   |  |
| 3. Фуқаролиги   |  |
| 4. Телефон рақами   |  |
| 5. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса)  |  |
| <b>II. Ариза берувчининг ўқиган олий таълим муассасаси ва иш жойи бўйича маълумотлар</b>  |  |
| 6. Ўқиган олий таълим муассасасининг номи   |  |
| 7. Ўқиган бакалаврият таълим йўналиши шифри ва номи   |  |
| 8. Бакалаврият таълим йўналиши ва/ёки Магистратура мутахассисликлари бўйича олий маълумот тўғрисидаги диплом ва уларнинг иловаси нусхалари                                    |  |
| 9. Хорижий давлатда олий таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш ҳақидаги гувоҳнома нусхаси (хорижий давлатдаги олий таълим ташкилотини тугатган ариза берувчилар учун) |  |
| 10. Икки йиллик меҳнат стажи тўғрисида маълумот (my.gov.uz ҳамда my.mehnat.uz порталларидан олинади)  |  |
| <b>III. Ариза берувчи кириш истагини билдирган магистратура мутахассислиги ва хорижий тил сертификати ҳақидаги маълумотлар</b>  |  |
| 11. Магистратура мутахассислиги шифри ва номи   |  |
| 12. Хорижий тил сертификати   |  |

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил “27” августдаги 541-сон қарорига  
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати  
ва бошқаруви академияси магистратура ва қайта тайёрлаш курсларига  
хорижий давлатлар фуқароларини қабул қилиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси (кейинги ўринларда – Академия) магистратура ва қайта тайёрлаш курсларига хорижий давлатлар фуқароларини ўқишга қабул қилиш тартибини ва уларнинг ҳуқуқий мақомини белгилайди.

2. Академиянинг магистратура ва қайта тайёрлаш курсларига хорижий давлатлар фуқароларини (кейинги ўринларда – хорижий фуқаролар) ўқишга қабул қилиш ва ўқитиш Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истиқболли кадрларни мақсадли тайёрлаш ҳамда уларни давлат бошқаруви ва хизматига самарали жалб этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 5 майдаги ПФ–78-сон Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг “Хорижий фуқароларни Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш ва ўқитиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2008 йил 8 августдаги 169-сон қарорига ҳамда ушбу Низомга мувофиқ амалга оширилади.

3. Академиянинг магистратура ва қайта тайёрлаш курсларида хорижий фуқароларни ўқитиш давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талабларига мувофиқ фақат тўлов-контракт асосида амалга оширилади ва ўқишни тугатгандан кейин белгиланган давлат намунасидаги диплом берилади.

**4. Хорижий фуқаролар:**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясининг магистратурасига қабул тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган магистратура таълим дастурларига;

геосиёсат, глобал хавфсизлик, барқарор ривожланиш, лойиҳа бошқаруви каби йўналишларда ва бошқа соҳалар бўйича билим ва малакаларини оширишга қаратилган қайта тайёрлаш курсларига қабул қилинади.

5. Академияда хорижий фуқароларни ўқитиш тегишли таълим дастурларида назарда тутилган тилларда олиб борилади.

6. Академия хорижий фуқароларнинг магистратура ва қайта тайёрлаш курсларига қабул қилишга оид ҳужжатларини электрон шаклда Академиянинг расмий веб-сайти орқали қабул қилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Академияни виза талабномаларига биноан, хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси кириш визалари белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиянинг буюртманомасига биноан, белгиланган тартибда хорижий фуқароларга визалар муддатини узайтиришни, шунингдек, уларнинг вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинishi ва унинг муддати узайтирилишини таъминлайди.

8. Хорижий фуқароларни тўлов-контракт асосида магистратура ва қайта тайёрлаш курсларига қабул қилиш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Академия ва юридик ёки жисмоний шахслар ўртасидаги шартнома тузилгандан сўнг ректор буйруғи билан расмийлаштирилади.

Тўлов-контракт асосида Академия тингловчилигига қабул қилиш учун тавсия этилган хорижий фуқаролар шартномада белгиланган муддатларда тўловни амалга оширишлари лозим.

## **2-боб. Хорижий фуқароларни магистратура ва қайта тайёрлаш курсларига қабул қилиш тартиби**

9. Хорижий фуқароларни Академиянинг магистратура ва қайта тайёрлаш курсларига ўқишга қабул қилиш Академия ректорининг буйруғи билан тегишли ўқув йили учун тузилган қабул комиссияси (кейинги ўринларда – қабул комиссияси) томонидан амалга оширилади.

10. Академияга хорижий фуқароларни магистратура ва қайта тайёрлаш курсларига қабул қилиш:

хорижий фуқароларнинг аризаси;

Академиянинг мустақил равишда хорижий фуқароларни жалб этиш ташаббуслари асосида амалга оширилади.

11. Хорижий фуқаролар Академияга ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этади:

ариза (Application Forms);

мотивацион хат;

олий маълумоти ҳақидаги ҳужжатлари нусхалари;

резюме;

соғлиғи тўғрисидаги тиббий хулоса;

миллий паспорт.

Ушбу банднинг тўртинчи, еттинчи, хатбошиларидаги ҳужжатлар хорижий давлат ваколатли идоралари томонидан берилган ва легаллаштирилган ёки апостиль қўйилган ёхуд Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ расмийлаштирилган бўлиши лозим.

12. Хорижий фуқаролар магистратура ёки қайта тайёрлаш курсларига қабул қилиниши учун камида бакалавр даражасидаги (ёки унга тенглаштирилган даражадаги) дипломга эга бўлиши керак.

13. Хорижий фуқароларнинг тегишли таълим дастурларида назарда тутилган тилни билиш даражаси, хорижий тилларни белгилловчи миллий ва халқаро тан олинган сертификатлар бўйича B2 ва ундан юқори даражада бўлиши талаб этилади.

14. Академияда хорижий фуқароларнинг магистратура ва қайта тайёрлаш курсларида тўлов-контракт асосида ўқиш қиймати Академиянинг Васийлик кенгаши томонидан белгиланади.

15. Хорижий фуқаролар Академиянинг магистратураси ёки қайта тайёрлаш курсларига белгиланган тартибда ўтказиладиган суҳбат (кейинги ўринларда – суҳбат), шу жумладан, мотивацион хатнинг мазмунини баҳолаш натижасидан келиб чиқиб қабул қилинади.

16. Суҳбат жараёни шаффоф ва адолатли ўтказилади ҳамда жараён видеотасвирга ёзиб олинади.

17. Хорижий фуқароларнинг суҳбатдан ўтиши мажбурий ҳисобланади.

Хорижий фуқаролар билан суҳбат бевосита ёки заруратга кўра масофавий (онлайн) тарзда амалга оширилади.

18. Суҳбат дастлаб хорижий фуқаронинг мотивацион хатини кўриб чиқишдан бошланади ҳамда унинг бошқарув ва лидерлик хусусиятлари, жамоа билан ишлаш кўникмалари, стратегик ва таҳлилий фикрлаш қобилиятлари, мослашувчанлиги, ташаббускорлиги ва инновацион ёндашуви, нотиклик маҳорати баҳоланади.

Бунда мотивацион хат хорижий фуқаро томонидан шахсан ёзилади. Унда ўзини таништиради, тажриба ва қизиқишлар, ўқиган ҳамда ишлаган жойлари ҳақида маълумот беради, танлаган соҳасини асослантиради.

Мотивацион хат тартибли ва аниқ тузилиши, кириш, асосий қисм ва хулосадан иборат бўлиши ҳамда бир саҳифадан ошмаслиги талаб этилади.

Мотивацион хат тегишли таълим дастурларида назарда тутилган хорижий тил меъёрлари ва қоидаларига амал қилган ҳолда изчил, мантиқий ва бир-бирини тўлдирадиган тарзда ифодаланади.

19. Хорижий фуқаролар билан суҳбат Академия ректорининг буйруғи билан тузиладиган суҳбат комиссияси (кейинги ўринларда – суҳбат комиссияси) томонидан ўтказилади.

Суҳбат комиссияси ўз фаолиятини коллегиялик, ошкоралик, холислик ва бетарафлик принциплари асосида амалга оширади.

Суҳбат комиссияси таркибига Академия ходимлари билан бир қаторда бошқа ташкилотларнинг вакиллари ҳам уларнинг раҳбарлари билан келишилган ҳолда киритилиши мумкин.

20. Суҳбат натижалари 100 баллик тизимда баҳоланади. Суҳбат жараёни суҳбат комиссияси томонидан якка тартибда, ҳар бир хорижий фуқаро билан алоҳида ўтказилади.

21. Суҳбатда хорижий фуқаронинг билим ва компетенциялари куйидаги мезонлар асосида баҳоланади:

мотивацион хат мазмуни (20 балл);

бошқарув (шу жумладан, лойиҳавий бошқарув) ва лидерлик хусусиятлари, жамоа билан ишлаш кўникмалари (20 балл);

стратегик ва таҳлилий фикрлаш қобилиятлари (20 балл);

мослашувчанлиги, ташаббускорлиги ва инновацион ёндашуви (20 балл);  
нотиқлик маҳорати (20 балл).

22. Хорижий фуқаро суҳбатга келмаган ҳолларда 0 балл қўйилади.

23. Суҳбат бўйича хорижий фуқаронинг якуний натижалари суҳбат комиссиясининг ҳар бир аъзоси томонидан қўйилган балларни қўшган ҳолдаги ўртачасидан келиб чиқиб аниқланади.

Хорижий фуқаро 70 балл ва ундан юқори балл тўплаганда суҳбатдан ўтган ҳисобланади.

Бунда суҳбатдан ўтган хорижий фуқаролар рўйхати улар томонидан тўпланган баллар асосида рейтинг тизимида мувофиқ аниқланади ҳамда энг юқори балл тўплаган хорижий фуқаролар кетма-кетликда Академиянинг қабул параметрларида белгиланган тўлов-контракт квоталари доирасида ўқишга қабул қилинади.

24. Суҳбат якунлари бўйича суҳбат комиссияси томонидан хорижий фуқароларнинг балларини кўрсатган ҳолда тегишли баённома тузилади ва белгиланган тартибда қабул комиссиясига тақдим этилади.

25. Суҳбат натижалари бўйича қабул комиссиясининг қарори қабул қилинади. Мазкур қарор Академия ректорининг хорижий фуқароларни магистратура ва (ёки) қайта тайёрлаш курсларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқиши учун асос бўлади.

26. Хорижий фуқароларнинг суҳбатдан такроран ўтишига йўл қўйилмайди.

27. Суҳбат натижалари ҳақидаги маълумотлар Академиянинг расмий веб-сайти, электрон платформалардаги расмий каналларига жойлаштирилади, шунингдек хорижий фуқароларнинг ўзига электрон почта орқали юборилади.

28. Суҳбат натижалари бўйича қабул комиссиясининг қарори қабул қилинганидан сўнг, хорижий фуқаролар Ўзбекистон Республикасига келгандан кейин уч кун ичида ушбу Низомнинг 11-бандида белгиланган ҳужжатларнинг асл нусхаларини тақдим этиши керак.

Тақдим этилган ҳужжатлар қабул комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

29. Суҳбат натижалари бўйича хорижий фуқароларнинг шикоятлари, улар эълон қилинган санадан бошлаб икки иш куни ичида Академияга ёзма, шу жумладан, электрон шаклда тақдим этилади.

Академия ректорнинг буйруғи билан апелляция комиссияси тузилади. Апелляция комиссияси суҳбат комиссияси ишида иштирок этмаган шахслардан иборат таркибда тузилади.

30. Апелляция комиссияси шикоятни шикоят берилган кундан бошлаб уч иш куни ичида кўриб чиқади ва қарор қабул қилинган куни хорижий фуқарони шикоят қаноатлантирилган ёки рад этилганлигини кўрсатган ҳолда, ёзма равишда хабардор қилади.

Бунда Апелляция комиссияси шикоятни кўриб чиқиш натижаларига кўра қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

шикоятни асосланган деб ҳисоблаш ҳамда уни қаноатлантириш;

шикоятни асоссиз деб ҳисоблаш ҳамда уни қаноатлантиришни рад этиш.

31. Ўқишга қабул қилинган хорижий фуқаролар ўз ҳисобидан белгиланган тартибда тиббий текширувдан ўтади ҳамда ҳаёти ва соғлигини тиббий суғурта қилдиради.

Бунда хорижий фуқароларни ўқишга қабул қилиш учун рухсат берилмайдиган касалликлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган тартиб асосида белгиланади.

### **3-боб. Хорижий фуқароларни Академия тингловчилари сафига қабул қилиш тартиби**

32. Хорижий фуқаролар тўлов-контракт асосида магистратура мутахассислиги ёки қайта тайёрлаш курсларига тингловчилигига қабул қилиш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Академия ва хорижий фуқаро (тегишли ҳолларда буюртмачи ёки ҳомий ташкилот билан) ўртасидаги шартнома тузилгандан сўнг ҳамда мазкур Низомнинг 11, 31 ва 33-бандларида белгиланган шартлар тўлиқ бажарилган тақдирда ректор буйруғи билан расмийлаштирилади.

33. Академия тингловчилигига қабул қилиш учун тавсия этилган номзодлар шартномада белгиланган муддатларда тўловни амалга ошириши лозим.

### **4-боб. Академияда таълим олаётган хорижий фуқароларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

34. Академияда таълим олаётган хорижий фуқаролар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Академия, деканат, кафедра, марказларнинг илмий-тадқиқот ишларида, тингловчиларнинг илмий жамиятлари ва тўғарақларида қатнашиш;

бириктирилган кафедрадаги профессор-ўқитувчилардан илмий-услубий фаолият, магистр ишлари ва бошқа илмий тадқиқотлар юзасидан маслаҳатлар сўраш;

кутубхона, спорт комплекси, тингловчилар меҳмонхонасидан фойдаланиш;

дам олишнинг уюштирилган турларида қатнашиш.

35. Академияда таълим олаётган хорижий фуқаролар қуйидагиларга мажбур:

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилиш, маҳаллий урф-одат ва анъаналарга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, республикада хорижий фуқароларнинг бўлиши ва ҳаракатланиши бўйича белгиланган қоидаларни бажариш;

интизомга риоя қилиш, машғулотларга қатнашиш, ўқув режалари ва дастурларида назарда тутилган ўқув ва ишлаб чиқариш ишларининг барча турларини бажариш, имтиҳон ва синовларни белгиланган муддатларда топшириш;

Академия ва тингловчилар меҳмонхонасининг ички тартиб-қоидаларини билиш ва амал қилиш;

Академия раҳбариятининг буйруқ ва кўрсатмаларини бажариш.

36. Ўқишда ўзлаштирмаслик, интизомни, Академия ички тартиб-қоидаларини бузганлик, тўлов-контракт шартномасини бажармаганлик учун, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган бошқа сабабларга кўра хорижий фуқаро бўлган тингловчиларга нисбатан Академия тингловчилари сафидан чиқариб юборишгача бўлган тегишли чоралар кўрилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиш қоидаларини бузганлик учун улар белгиланган тартибда республика ҳудудидан чиқариб юборилади.

Ўқиш учун келган хорижий фуқароларнинг зарур маблағлари бўлмаган тақдирда, уларни Ўзбекистон Республикасидан чиқариб юбориш бўйича харажатлар Академия томонидан амалга оширилади.

37. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноят содир этган хорижий фуқаролар, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан жавобгарликка тортилади.

38. Ўқишни тугатган ёки рўйхатидан ўчирилган хорижий фуқаролар бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетиши шарт (Ўқишни муваффақиятли тугатган хорижий фуқаролар, Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган ташкилотларида белгиланган тартибда ишга қабул қилиниши мумкин).

Тингловчилар сафидан чиқарилган хорижий фуқаролар белгиланган муддат ва тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқарилади.

39. Академияда ўқув йили ва таътиллarning бошланиш ва тугаш вақти, уларнинг давом этиш муддати Академиянинг муайян ўқув режаларига мувофиқ белгиланади.

#### **4-боб. Яқунловчи қоидалар**

40. Академияга ўқишга кириш истагини билдирган хорижий фуқаролар мазкур Низом билан таништирилиши ва улар ушбу талабларни бажариши тўғрисида ўз мажбуриятларини ёзма ёки электрон равишда тасдиқлаши керак.

41. Мазкур Низомнинг талабларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

